

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Доцент

Даволаш факультетига қарашли “2-сон акушер гинекология” кафедраси

Ассистентлар

Тиббий педагогика факультетига қарашли “2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “2-сон факультет ва госпитал терапия” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Нормал ва патологик физиология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Реабилитология ва жисмоний тарбия” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Онкология, нур диагностикаси ва терапия” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Ички касалликлар №3” кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли “1-сон акушерлик ва гинекология” кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

Малака ошириш факультетига қарашли “Травматология, ортопедия ва ХДЖ” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, бошқариш” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Ички касалликлар пропедевтикаси” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий болалар жарроҳлиги” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “1-сон факультет ва госпитал терапия” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “ЛОР ва стоматология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Анестезиология ва реаниматология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “2-сон акушер гинекология” кафедраси

Тошкент Тиббиёт академиясининг ректорати ва касаба уюшмаси Тошкент Тиббиёт академиясининг юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси профессори, академик Турғунпўлат Абидович Даминовнинг турмуш ўртоғи

Малика Зухритдиновна ДАМИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, A.Zohidiy, S.Mavlyanov,
D.Norgulov, L.Abdugodirova, D.Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahilalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади

Topshirish vaqti: 14.00



TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI № 10 2017 YIL 24 OKTYABR

“БИЗ ИБН СИНО ИЗДОШЛАРИМИЗ”

Тошкент Тиббиёт академиясига 2017-2018 ўқув йилида ўқишга қабул қилинган талаба ёшлар учун “Биз Ибн Сино издошларимиз” номи “Талабаликка бағишлов” тантанали маданий-маърифий байрам дастури жорий йилнинг 5 октябрь санасида “Туркистон” санъат саройида бўлиб ўтди. Тадбир аввалида санъат саройининг фойесида соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи, гиёҳвандлик, кашандаликларнинг салбий таъсирини ўзида акс эттирган расмлар ва баннерлар кўргазмаси, академиянинг иқтидорли талабалари қўлга киритган фан Олимпиадалари, халқаро конференциялар иштирокчилари сертификатлари кўргазмаси, “Янги аср авлоди” тахририяти томонидан босмадан чиққан китоблар ярмаркаси ташкил этилди. Тадбирнинг тантанали қисмини Тошкент Тиббиёт академиясининг ректори Л.Н.Тўйчиев очиб берди.



ҚУТЛАЙМИЗ!

Хурматли профессор-ўқитувчилар, қадрли талабалар. Сизларни яқинлаштириб келаётган Тиббиёт ходимлари кунини, касб байрамининг билан чин дилдан самимий муборакбод этаман.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган изчил ислохотлар инсон манфаатларини муҳофазалаш, халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кечиршини таъминлашда юксак самаралар бермоқда. Бу борада Тошкент Тиббиёт академияси илмий, ташкилий ва бошқа жараёнларда қўллаб-қўллаган ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Академияда таълим олган қўллаб-қўллаган мутахассислар республиканинг турли жойларида аҳолининг саломатлигини мустақамлашга муносиб ҳиссасини қўшаётгани қувонарли. Тиббиёт ходимларининг меҳнатдаги, илмий-ижодий изланишдаги ва ўқув жараёнидаги фидойилигини ҳаммиса юксак қадрлаймиз. Билимни, зукко, ҳар томонлама ўрнат олса арзийдиган талабаларимиз сафни йил сайин ортиб бораётганлиги бизни қувонтиради.

Қадрли устоз-мураббийлар, талаба-ёшлар! Сизларнинг барчангизни Тиббиёт ходимлари кунини касб байрамининг билан яна бир бора қутлайман. Сизларни халқимиз розилигини олиш йўлидаги захматли меҳнатингизда катта ривож, барчангизга мустақам соғлиқ, гўзаллик, оилавий бахт, хонадонингизга файзу барака тилайман. Илмий ва ижодий фаолиятингизда, ўқишларингизда улкан ютуқ ва омад ёр бўлсин.

Л.ТЎЙЧИЕВ,

Тошкент Тиббиёт академияси ректори



Тадбирнинг бадий кириш қисмида дунё “Тиб қонунлари” кирилми-фани тамаддунига улкан ҳисса қўшган олимлар Афлотундан Академия тимсолини, Гиппократдан қасамёд сўзлари битилган рамзий битикни, Абу Райҳон Берунийдан Хоразм Маъмур академиясининг рамзий белгисини, Абу Али ибн Синодан “Тиб қонунлари” китобини, ар-Розийдан “Касаллик тарихи” бўйича баённомаси рамзий тимсолларини Академия ректори ва иқтидорли талабаларига тақдим этиш саҳна кўриниши билан бошланди.

(Давоми 2-бетда)



Хикмат

*Кўпириб гапирган кўпни кўрмаган,
Кўзига тушгучи чўпни кўрмаган.*




Хикмат

“БИЗ ИБН СИНО ИЗДОШЛАРИМИЗ”

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбир давомида Академиянинг биринчи курсига қабул қилинган 500 нафардан ортиқ талабалари ўз қасамёдларини қабул қилар экан Мустақил Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг шон-шарафини асраб-авайлашга, жамиятнинг сиёсий барқарорлигини, фуқаролар осойишталиги ва умуммиллий тотувликни, энг юксак қадрият сифатида сақлаш, Мустақил Ватан тақдири билан ўз тақдирини чамбарчас боғлашга, бутун фаолиятларини она диёрга ва унинг буюк келажига бахшида этиш, Ватан тараққиёти ва гуллаб-яшнашига ҳисса қўшишга, унинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга сафарбар этишга, тарихимизни чуқур ўрганиш ва у билан ғурурланишга, инсоният тафаккури камолига улкан ҳисса қўшган бобокалонларимиз – Имом Бухорий, Ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек аждодларимиз меросини, маънавий сарчашмаларини чуқур ўрганишга, эҳтиёт қилиб бойитиш, улар ёққан чироқларни янада мунаввар этишга, замонавий даволаш ва диагностика усулларини чуқур ўзлаштириб, юқори малакали шифокор бўлишга, даволаш санъатини ўз билимларига таянган ҳолда беморлар манфаатига қаратишга, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касалликларнинг олдини



олиш, соғлом авлодни тарбиялаш, шифокор этикаси ва деонтологияси тамойилларига амал қилиш, беморларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ҳеч қачон ошкор қилмасликка, ота-она олдидаги фарзандлик бурчини унутмаслик, уни тўла адо этиш каби пурмаъно ғояларни ўзида мужассам этган сўзлар билан қасамёд этдилар. Тадбир давомида Академиянинг маданият уйи бадий ҳаваскорлик тўғрисида иқтидорли талабалари, жумладан, тиббий профилактика факультети талабаси Шаҳзод Жўраев ижросида “Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни”, даволаш факультети талабаси Асрор Юсупов ижросида “Бугун байрам”, даволаш факультети талабаси Наргиза Юсупова ижросида “Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!”, ТТА ҳузуридаги ҳарбий тиббий факультет курсантлари ижросида саф кўшиги, Маданият уйи раҳбари М.Абдуллаев ижросида “Дуолар қилайлик” номли куй-қўшиқлари йиғилганларга тақдим этилди.

Тадбирда меҳмон олий таълим муассасалари Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти иқтидорли талабалари ижросида куй-қўшиқлар, сахна кўринишлари ижроси тақдим этилди. Шунингдек, Академиянинг ижодга қизиқувчан талантли ёшлари даволаш факультети талабаси У.Ҳамраева, тиббий педагогика факультети талабаси К.Ҳидоят, олий маълумотли ҳамшира факультети талабаси М.Истамқулова, тиббий профилактика факультети талабаси Д.Ҳикматовлар томонидан ўз қаламига мансуб шеърлари йиғилганларга тақдим этилди.

Тадбирда Академиянинг фахрий профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар, ота-оналар, жамоат ташкилоти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Д.ХУДОЙҚУЛОВ,
Тошкент Тиббиёт академияси
маънавият ва маърифат
бўлими бошлиғи

ТАЛАБАЛАР УЧУН ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ

Кўплаб талабалар қандай қилиб тўғри овқатланишни билишмайди ва бу танани таҳликага солиб, иммунитетни заифлаштиради. Баъзилар онгли равишда тўғри овқатланишга жиддий аҳамият бермайдилар. Аммо, кўплаб касалликларнинг олдини олиш ва даволашда соғлом овқатланиш муҳим аҳамиятга эга, у инсоннинг ўсишини, узоқ яшаш ва ривожланишини таъминлайди. Агар сиз нотўғри таомни истеъмол қилсангиз, агар ҳозир бўлмаса, келажакда нима бўлиши мумкинлигини ким билади. Шу нуқтаи назардан албатта, талабалар хавф гуруҳига киради. Талабаларда ортиқча босим, асабийлик, уйқу етишмаслиги ва бу фонда, озиқ-овқат ҳақида ўйлаш учун вақт йўқ.

Талабалар қандай овқатланиши керак?

Келинг, оддий ўқувчининг оддий кунини кўриб чиқайлик. Қандай қилиб кетади? Ҳар доимгидек, эрталаб шошилиб кетадиган ишлар билан бошланади: ювиниш, дафтарларни топиш, уяли телефон ва кўп нарсаларни топиш, ҳатто нонушта қилишга ҳам вақт бўлмаган. Кўпчилигимиз учун эрталаб шундай бошланади. Биринчи паранинг охирида уларнинг ҳаммаси ошқозонни тўлдириш учун энг яқин ошхонага борадилар. Агар сиз 15 дақиқа олдин турсангиз, ҳамма нарсани қилишингиз мумкин. Нонуштани кунлик режангиздан чиқариб ташламанг. Уни биринчи бўлиб қилинг. Менга ишонинг, мазали ва соғлом нонушта қилиш учун кўп вақт талаб этилмайди ва ўзингизнинг ақлий қобилиятларингиз қанчалик кучайишини сезасиз. Шундай қилиб, нонушта учун, сиз оддийгина тухум ёки бўтқа истеъмол қилишингиз мумкин: гуруч, жўхори ёки картошка пюреси, гречка, яхши кўшимчалар, мева ва сабзавот аралаштириш мумкин. Ичимликдан сутли чой, қаҳва, шарбат ва энергия билан узоқ вақт давомида юришингиз мумкин. Ҳамма нарса, нонушта ва хотиржамлик билан сиз ўқишга боришингиз мумкин. Ва энди кун ўртаси яқинлашиб келмоқда, биз тушлик қилишимиз керак, лекин ҳар доим ҳам вақт топа олмаймиз. Келинг, “қоринни алдаш” ҳақида гапирайлик. Энг яхшиси қатик ёки йогурт, сендвич, нок ёки банан, лекин ҳар қандай ҳолатда хот доғ ёки шаурма бўлиши мумкин эмас. Талабалар кўпинча энг яқин тез овқат муассасаларидан озиқ-овқат сотиб олишни афзал билишади, оқибатда эса ошқозон яраси, чарчоқ ва вазн ортиши юз беради. Тушлик учун ҳар куни биринчи таом: карам шўрва, мастава, мошхўрда, балиқли шўрва, иккинчига картошка, гўштли, товукли котлет гарнир билан, гўшт, ош, хоҳишга қараб ширин чой ёки шарбат, десерт олиш мумкин. Иложи борича иссиқ овқат ейиш тавсия қилинади чунки у организм учун керак бўлган озиқ моддаларини йўқотмайди ва тезда танада сўрилади. Биринчи суюқ овқатдан бошлаб кейин иккинчи овқатга ўтиш керак.



Тушлик ва кечки овқат орасида талабалар одатда катта бўшлиққа эга. Албатта, кечки овқатни кутиб туришингиз мумкин, лекин режангизга пешинлик қўшишга ҳаракат қилинг. Бу пайтда чойни печенье билан ёки бир стакан сут билан булочка ейиш мумкин. Овқат енгил бўлиши керак. Тунда энергия кўп йўқотилмайди, шунинг учун кўп ейиш керак эмас. Шунинг учун кечки овқатга енгил таомлар – турли сабзавотли салатлар, мевалар истеъмол қилиш тавсия этилади.

Ичимлик ва витаминлар

Сессия давомида талабалар ўзларини қувонтиришга ҳаракат қилишади, кўп миқдордаги энергия ичимликлари ва қаҳвалар ичишади. Бу ичимликлар ишлаш самардорлигини оширади, ухлашни тўхтатади, лекин у фақат қисқа вақт учун ишлайди. Асаб тизимининг ортиқча босимидан кейин толиқиш юзага келади, оғир чарчоқ, кайфият йўқлиги, ўта оғир ҳолатларда депрессияга олиб келиши мумкин. Чарчаганингизда апельсин шарбати, чарчоқни бартараф қилади ва баданга зарарсиздир. Кун давомида ичимлик суви етарли миқдорда – камида 2 литр ичиш лозим.

Ш. ЗОКИРХЎЖАЕВ, ТТА профессори
И. МАҲМУДОВА, клиник ординатор



МИЛЛИЙ ГЕНОФОНД КУШАНДАСИ

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида

“Тиббиётнома” ойномаси муҳаррири, Республика соғлиқни сақлаш аълочиси Қутбиддин Низомов билан тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси **Алижон Зоҳидий суҳбати**

Қутбиддин Низомов: – Ўзбекистон Республикаси ижтимоий, иқтисодий, тиббий ислохотлар илғор ўтаётган, тараққиёт йўли демографик прогресс билан кечаётган давлатлардан биридир. 2015 йилнинг декабрь ойи ҳисоб-китобларига қараганда мустақил давлатимиз фуқаролари сони 32 млн.дан ошган. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг берган маълумотларига қараганда 2012 йил мобайнида республикамизда 420 мингдан ортиқ чақалоқлар дунёга келган, табиий йўқолишлар эса (дунёдан ўтиш, кўчиб кетиш) 170 минг одам атрофида бўлган. Демак давлатимизда бир йиллик ўртача ўсиш суръати 350 минг кишидан ортиқ бўлган. Бугунги кунда Республикаимизда истиқомат қилаётган одамларнинг 60 фоиздан ортигини болалар ва ўсмирлар ташкил қилиши ҳам демографик прогресс қанчалар жадал кечаётганлигининг бир жилвасидир.

Биринчи Президентимиз ўзларининг ҳар бир асарларида, китобларида ва чиқишларида биз Ибн Синолар, Берунийлар, Хоразмийлар, Бухорийлар, Самарқандийлар, Фарғонийлар, Термизийлар ва Насафийларнинг бевосита авлодлари эканлигимиз ҳамда ҳар жиҳатдан уларга муносиб бўлишимиз лозим эканлигини таъкидлаб турадилар. Давлатимиз раҳбарияти, бевосита Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг саъй-ҳаракатлари билан мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб давлат миқёсда миллий генофондни яхшилаш, зурриёдларимизни улуғ аждодларимизга муносиб ворис бўла оладиган тарзда тарбиялаш борасида кўплаб ислохотлар амалга оширилди, фармонлар ва қонунларга имзолар чекилди. Халқ таъботига аънавий медицинамизга муқобили сифатида рухсат берилиши, Шарқ медицинасига кенг йўл очилиши, буюк бобокалонларимиз Абулқосим аз-Заҳравий, Абу Бакр ар Розий, Абу Али ибн Син, Ҳақим Юсуфий, Беруний, Ҳақим Давоий ал Гилоний, Тиббий набавияларни бугунги кун имлосига ўгирилиб кенг китобхонлар оммасига тақдим қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Халқ Таъботи академиясининг очилиши, Ибн Сино жамғармасининг яратилиши, қатор ихтисослашган Илмий тиббий марказларнинг барпо этилиши, Ўзбекистон Республикаси медицинаси халқ ва қишлоқ ҳўжалигининг асосий жабҳалари билан бир қаторда жаҳон андозалари даражасига чиқиб бориши фикримизнинг яққол далилидир. Мамлакатимиз пойтахтида ва вилоят марказларида скрининг марказларининг очилиши ҳам туғма тараққиёт нуқсонлари ва аномалиялар билан дунёга келиш ҳолларини 2-3 баробаргача қисқартирди. Демакки, кўплаб ота-оналар умрбод ногирон зурриёдни тарбиялашдек заҳматдан халос бўлдилар.

Биринчи Президентимизнинг 2014 йилни “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиши ҳам миллий генофондни яхшилаш борасидаги улкан қадамлардан биридир. Зеро, яхши ният билан номланган йил ҳар жиҳатдан ўзини оқлаши, юртимиздан жаҳон аҳлини тонг қолдирадиган спортчилар, олимлар, ижодкорлар чиқиши учун навбатдаги бир пиллапоядир.

2017 йилнинг 15 августида Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, Сенат томонидан 24 августда маъқулланган ҳамда муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан мазкур йилнинг 8 сентябрида имзоланган **“Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”** қонуни ҳам айнан ана шундай миллий генофондни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлардандир.

Алижон Зоҳидий: – Мен албатта ушбу қонунни мустақиллик йилларида аҳоли саломатлиги ва турмуши сифатини яхшилашга қаратилган энг улкан қадамлардан бири, самарадорлиги бўйича

аҳамиятини эса скрининг Марказлари ташкил этилиши билан тенглаштирган бўлур эдим. Асримиз ахборот оқимларига тўлиб-тошган ташвишли аср бўлиб, америкалик тадқиқотчи R Greber нинг фикрига қараганда охириги 50 йилда инсониятнинг дастлабки 2500 йиллик тарихига қараганда кўпроқ информациялар пайдо бўлди. Уларнинг маълум фоиз қисми ҳақиқатни ифода этса, бир қисми айрим давлатлар, айрим улуғ инсонларга қаратилган фисқу фасод, тухматдан, яна бир қисми ашёларни бўрттириб кўрсатиш, далилларни сохталаштириш, яна бир қисми эса экстремизм, кўпуровчилик, гиёҳвандлик, дарбадарлик, маиший бузуқлик ва зўравонликни ташвиқ қилади. Шу боисдан ҳам юқоридаги қонунни аҳолисининг 60 фоиздан ортигини болалар ва ёшлар ташкил этувчи жонажон юртимизда қабул қилиниши айни муддао бўлди.

Қутбиддин Низомов: – Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотни таснифлаш ҳамда ахборот махсулотларининг ёшга хос таснифига муфассалроқ тўхталиб ўтсангиз...

Алижон Зоҳидий: – Албатта, қонуннинг энг долзарб жойи ҳам шунда. Болалар, умуман аҳоли ўртасида тарқалиши таъқиқланган ахборот махсулотлари сирасига:

– Болаларнинг ўзлари, тенгдошлари, жамиятнинг бошқа аъзолари соғлиғига хавф соладиган хатти-ҳаракатларга ундайдиган, алкоголь, тамаки махсулотлари, гиёҳванд ва психотроп воситалар истеъмолига, қиморбозлик, оммавий тартибсизликлар, фохишаллик, дарбадарлик, тиланчилик истакларини пайдо қиладиган, жамият ва табиатга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизликка майл туғдирадиган, миллий ва оилавий қадриятларни инкор этишга чақирадиган, ҳуқуқбузарлик ва бузғунчилик гояларини, порнографияни ўз ичига олган, бировлар шаънини ерга урадиган, болаларда кўрқув,саросима, ваҳима туғдирадиган ахборот воситалари шулар сирасига киради. Мен болалар шифокори сифатига булар рўйхатига одамлар маънавиятига мутлақо ижобий таъсир беролмайдиган Мексика, Ҳинд, Туркия киносерияларини, телевизорда ҳар куни чиқиб муқом қиладиган ярим яланғоч ва ашуласининг тугуруғи йўқ хонандаларни ҳам киритган бўлардим. Зеро, болаларимиз маънавиятининг ерга урилишида айнан ана шу олифта ва плагиат “санъаткор”ларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Қутбиддин Низомов: – Ахборот воситаларининг энг зарарлиси нималарда деб ўйлайсиз?

Алижон Зоҳидий: – Бу борада албатта интернетнинг турли сайтлари биринчи ўринда турибди. Давлат миқёсда уларни саралаш, чеклашнинг имконлари йўқмикан? Зўравонлик, шаҳватпарастлик, оғзи шалоқликни тарғиб қилувчи сайтлар беҳисоб,гомосексуализм, зоофилия, некрофилия каби жинсий бузуқчилик бугунги кунда ҳатто кабель телевидениеларининг ҳам асосий дастурларига айланиб қолди. “Таъқиқланган дарахтнинг меваси ширин” деганларидек, уларни қисман чеклаш, аммо бутунлай йўқотмаслик бу борада ўсаётган болалар тушунчасида катта қизиқиш туғдиради. Нима қилиб бўлса улардан баҳра олишга интиладилар. Бунинг устига хориж кинофильмларининг айримларида суицидал фикрларни, гиёҳвандлик ва жинсий бузуқликларни пинҳона онг ости марказларига киритувчи 25 кадр қўшилган бўлиб, зурриёдларимизнинг жисмоний, руҳий, маънавий қиёфаларига жиддий хатар туғдирмоқда. Рус олими Т.Звягинцев компьютер экранни олдида ҳар куни 2 соатдан ортиқ ўтириш, уяли алоқа воситасидан 30 дақиқадан ортиқ фойдаланиш иммун тизимининг 3-4 баробаргача пасайишига, ўсmalar пайдо бўлиш эҳтимолини икки баробаргача кўпайтишига сабаб бўлар экан. Уйқу бузилиши, тажанглик, асабийлик, камқонлик каби ҳолатлар ҳам ана шу юқори технологияларнинг зарарли жиҳатларидандир.

ОНА ТИЛИМ – ЖОНУ ДИЛИМ

Тил миллатнинг қалби, унинг ўтмиши, бугуни ва келажаги саналади. Шу маънода ҳар бир миллатнинг она тилида унинг бебаҳо хазинаси, минглаб сўзлар сақланади.

Бу сўзларни асрлар давомида халқ яратади, унга сайқал беради, асраб-авайлайди. Ҳар бир даврда яшаган халқ вакиллари бу сўзларни эъозлаб, уларга ишлов бериб, сўзлар хазинасини бойитиб, кейинги авлодларга етказишга масъулдилар. Интернет маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 6000 дан ортиқ тил бўлиб уларнинг сўз бойлиги, лексик-грамматик қурилиши, услубий имкониятлари даражаси бир эмас. Бу борада ўзбек тили дунёдаги энг бой, ширали тиллардан бири саналади. Бу тилда Маҳмуд Қошғарий, Лутфий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нодира, Огаҳий сингари буюк зотлар баракали ижод қилган бўлишса, Муқимий, Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирийлар уни янги поғонага олиб чиқдилар.

1989 йил 21 октябрь тарих саҳифаларида ўзбек халқининг ўз она тилига эга бўлган тарихий буюк кундир, дея эътироф этилди. Ўзбек тилининг ривожини, унинг дунё миқёсдаги ўрни

борасида ўзбек маърифатпарварларининг саъй-ҳаракатлари билан XX асрнинг бошларида шаклланган ҳозирги ўзбек адабий тили бугун истиқлол шарофати билан тўлишиб, гўзаллашиб, бутун борлиғи билан кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда.

Тилимизнинг ривожини, уни ўсиб янада улкан марраларни забот этиши келажак авлодлар, эртамиз эгаларининг онгу шуурида намоён бўлмоғи муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада куни кеча ТТА қошидаги академик лицейда “Она тилим – жону дилим” номли тадбир бўлиб ўтди. Тадбир лицей ММИДҲ Ф.Ҳайруллаҳўжаева, Ёшлар иттифоқи етакчиси Н.Ҳақимова, лицей Ёшлар иттифоқи сардорлари, 204-гуруҳ ўқувчиларининг бевосита иштирокида ташкил этилди. Тадбир давомида ўқувчиларга тилнинг нечоғли муқаддас, инсон қон томирларига синган хилқат эканлиги ўқтирилди.

Тадбирда сўзга чиққан лицей директори А.Р. Шермуратов ўзбек тили дунёдаги энг бой тил

эканлигини, бу тилнинг нақадар улуғ ва бебаҳо эканлигини, таъкидлаб ўтди. Ўзбекнинг чинакам фарзанди чин маънода она тилининг ривожига ҳисса қўшмоғи лозимлигини таъкидлаб ўтдилар. Тадбир ўзбек тилининг кенг имкониятларини, унинг гўзаллигини, сўзларнинг маънодор ва жанр-жанрлигини намоён қиладиган лавҳаларга бой бўлди. Ўқувчи ёшлар фахр туйғусини туйган ҳолда маънавий озуқа билан йўғрилдилар.

Ўз тилини унутган халқнинг Боғларида ўсган гуллари Чирмаб ухлар заҳарли илон Ўз тилини унутган халқнинг Зеро, ўз она тилини севган халқнинг бугуни ва эртаси порлоқ бўлади, келажаги ҳаммиша нурафшон бўлади.

Нигора ҲАКИМОВА,
ТТА қошидаги академик лицейи Ёшлар иттифоқи етакчиси

Ёшлар – келажак бунёдкори

ЁШЛАР ИТТИФОҚИ БЎЙИЧА САМАРАЛИ ТИЗИМ ЯРАТИЛДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йилнинг 30 июнидаги “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилотининг 4-қурултойида иштирок этдилар ва бошланғич ташкилот фаолиятига баҳо бердилар. Қурултойда ташкилот ёшларнинг манфаатларини тўлақонли ҳимоя қила олмаганлиги сабабли Ўзбекистон Ёшлар иттифоқини ташкил қилишни таклиф этдилар. Президентимизнинг бу таклифини Ўзбекистон ёшлари кўтаринчили билан қабул қилишди. Шу муносабат билан 2017 йил 5 июлда ПФ-5106 сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги фармони ва 18 июлдаги ПҚ-3138 сонли “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлар қабул қилинди. Шу муносабат билан Тошкент Тиббиёт академиясида 12 сентябрь фаол ёшлар билан биргаликда Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотини ташкил этиш таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Бу таклифини Академия ёшлари бир овоздан қабул қилишди. Шундан сўнг академияда сайловлар бўлиб ўтди. 10 сентябрдан 15 сентябргача Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг гуруҳ етакчилари сайловлари, 15 сентябрдан 18 сентябргача Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг факультет етакчилари ва 19 сентябрда академия Ёшлар иттифоқи БТга етакчилигига сайлови ўтказилди.

Сайловлар кўп номзодлилиқ, ошкоралиқ ва шаффоқлик асосида ўтказилди. Номзодларни тарғибот қилишлари учун академия маъмурияти томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

2017 йил 30 сентябрь куни олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Маджидов билан 2017 йил 5 июлда ПФ-5106 сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги фармонининг ижроси юзасидан Республикаимизнинг барча ОТМларидан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг етакчилари билан бир қаторда Тошкент Тиббиёт академияси Ёшлар иттифоқи БТнинг етакчилари билан ҳам очиқ мулоқот тарзидаги видеоконференция ўтказилди.

Видеоконференцияда: ТТА Ёшлар иттифоқи етакчиси С.И.Мавлянов; Даволаш факультетининг етакчиси В.Ё.Хусанов; Даволаш факультетининг 5-курслар бўйича етакчиси Т.Валихўжаев; Тиббий педагогика факультети етакчиси Ж.М.Умаров; Олий маълумотли ҳамшира факультетидан Н.Ш.Убайдуллаева;

Тиббий профилактика факультети етакчиси И.О. Отажонов; Магистратура босқичи етакчиси Ж.Х.Турсунов каби етакчилари иштирок этдилар.

Видеоконференция давомида олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Маджидов талабалар ва Ёшлар иттифоқининг фаолларининг фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, жумладан:

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи 2017 йил 22 августдаги 39-сонли, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг 2017 йил 22 августдаги 10-сонли қўшма қарорига 2-илловасида қайд қилинган тузилмага асосан 13 та йўналиш ва раис билан 14 нафар етакчидан иборат кенгаш таркибиде ишнинг бориш тартиби ва шаклланиш жараёни хусусида;

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ОТМлардаги БТларга етакчиларнинг сайланишини ўтказилиш тартиби хусусида;

Ҳар бир вилоятдаги ОТМларда Ёшлар иттифоқининг тармоқлардаги етакчиларини савияси ва лидерлик қобилиятларини яна бир бор кўриб чиқиш ва масъулиятлилиқ ҳиссини ошириш даражасини ўрганиш хусусида сўз юритилди.

Уч соат давом этган видеоконференцияда Ёшлар иттифоқининг фаоллари олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Маджидовга саволлар ва муаммолар бўйича муносабат қилдилар.

Тадбирда Ёшлар етакчилари томонидан олий таълим ёшларининг бўш вақтини самарали ташкил этиш, тўғараклар тармоғини ривожлантириш, дарсликлар, ҳуқуқий ва бадий адабиётлар таъминланган ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш, замонавий спорт залларини барпо этиш борасида таклифлар билдирилди.

Шу билан бирга, баркамол ва соғлом авлодни вояга етказиш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва бандлигини таъминлаш борасида Олий таълим вазирлиги билан Ёшлар иттифоқи ташкилотининг ҳамкорликда ишлаши таклифи берилди.

Ёшлар иттифоқининг фаоллари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар муҳокама қилинди ва вазирлик масъул ходимларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Т.А.БОБОМУРАТОВ,
ТТА Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори
С.И.МАВЛЯНОВ,
ТТА Ёшлар иттифоқи БТ етакчиси



Қаҳратоннинг қаҳрини ўз онаси қиш билар,
Тилнинг туҳмат тошини тишлаб турган
тиш билар.



Ўйламайин сўз айтсанг, тилинг куйиб қолгайдир,
Етти ётга ёр бўлсанг, дилинг куйиб қолгайдир



УСТОЗЛАР ҲАЁТИ – ЁШЛАРГА ИБРАТ

Устоз – асрлар оша қалбимизни илм-маърифат зиёси билан чароғон этиб келаётган мўътабар зотдир. Бу ёруғ оламда инсон закоси ила неки мўъжизалар яратилган бўлса, барининг наққоши албатта устоздир. Инсон борки, таълим берган, унга дунё маънавий-маърифий дурдоналари хазинасини очувчи билим калитини қўлига тутқазган зотни устоз деб улуғлайди. Оламдаги барча яхшилик, илму маърифат, меҳр-саховат асли ана шу зотлар тўғайлидир.



Бизнинг Тошкент Тиббиёт академиясизда шифокорлик касбини улуғлаб, илм заҳматларидан чекинмай фаолият кўрсатиб келаётган ана шундай илму маърифат соҳиблари, устозларимиз бугунги кунда дунё олимлари билан ҳамнафас, ўз ҳаётий тажрибалари асосида талаба ёшларимизга билим бермоқдалар.

Тошкент Тиббиёт академияси ва И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт институти болалар ва ўсмирлар гигиенаси кафедраси ўртасида ўзаро илмий-амалий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш мақсадида Россия ФА мухбир аъзоси, профессор Владислав Ремирович Кучма юртимизга ташриф буюрди.

Тиббиётда болалар ва ўсмирлар гигиенаси ривожига улкан ҳисса қўшган таниқли олим В.Р.Кучма ва Тошкент Тиббиёт академияси Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси ходимлари, Тошкент Тиббиёт академияси хотин-қизлар кўмитаси, магистрлар ва талабалар ўртасида давра суҳбати ташкил қилинди.

Суҳбатни таниқли оlima, Тошкент Тиббиёт академияси Болалар,

ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси профессори Гули Исмолова Шайхова кириш сўзи билан очди ва йиғилиш қатнашчиларини В.Р.Кучма билан таништирди. Ўз нутқида Г.И.Шайхова бугунги кунда республикамизда тиббиётнинг турли соҳаларида эришилаётган ютуқлар, ислохотлар ва келгусидаги режалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

ТТА хотин-қизлар кўмитаси расиси, тиббиёт фанлари доктори Л.К.Раҳмонова мамлакатимизда она-бола соғлиғига, ёшларимизнинг илм-фан чўққиларини эгаллашига бўлган эътибор юксак даражада экани, бу ўринда айниқса, жамиятда хотин-қизлар фаоллигини ошириш бўйича мавжуд бўлган имкониятлар ҳақида сўзлади. Л.К.Раҳмонова педиатр-олима сифатида В.Р.Кучма билан суҳбат жараёнида Тошкент Тиббиёт академиясида фаолият кўрсатиб келаётган, ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлган устоз-профессорлар: Р.А.Собирова, М.Ж.Жалилова, Г.И.Шайхова, М.Т.Рустамова, М.З.Ризамуҳамедова, Ф.А.Баҳритдинова, Д.Қ.Нажмутдинова, Ф.М.Аюпова, Г.С.Раҳимбаева,

Б.Т.Холматова ва бошқа қатор олимларимизнинг сермаҳсул илмий-ижодий фаолияти ҳақида сўзлаб берди, ўзаро тажриба алмашди.

В.Р.Кучма академиясизда ташкил қилинган “Ораста қизлар” тўғарагига алоҳида эътибор қаратди.

В.Р.Кучма расмий ташрифи чоғида Тошкент Тиббиёт академияси фаолияти билан яқиндан танишиб, бир қатор ҳамкорлик масалаларини тақлиф этди.

Суҳбат жараёнида ТТА Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси мудир, проф. Н.Ж.Эрматов ёш авлодни салоҳиятли кадрлар этиб тарбиялаш, илмий кадрлар ва юксак малакали мутахассислар тайёрлашда мактаб таълими, болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўйича изланишларни такомиллаштиришга алоҳида урғу бериб ўтди.

Тадбир сўнгида ёш олимлар, магистрлар ва талаба ёшлар ҳам тиббиётга оид берган саволларига жавоб олишди. Бир қатор тақлифлар берилди.

Давра суҳбатида келгусида Тошкент Тиббиёт академияси фаолиятини янада ривожлантириш борасида тақлиф этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича ўзаро фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Л.К.РАҲМОНОВА,

ТТА ХҚҚ расиси, т.ф.д., доцент

Г.Т.САИДОВА,

Тиббий-профилактика

факультети ХҚҚ муовини, т.ф.н.

Шаҳноза АШИРОВА

ҲАМИША ЭЪТИРОФ ВА ЭЪЗОДА

Азалдан устозни улуғлаган, уни ота билан тенглаштириб, пирдай ҳурматлаган халқимиз. Дарҳақиқат, устоз отадай улуг. Бундай улуг зотлар нафақат таълим, балки инсониятга хизмат қилишга йўналтирилган барча соҳаларда бор. Ўзингиз йўланг, дунёнинг манаман деган олийгоҳини тугатиб келган бўлажак шифокор барибир устоз шифокорлар назорати, дуо-далдаси остида иш бошламайдими, ательеда биринчи иш куни бўлган тикувчи аввал устозлардан йўл-йўриқ олмайдими?

Ана шундай бағри кенг, масъулиятли ва шарафли касб эгаларини эътироф этиш мақсадида жорий йилнинг 29 сентябрь куни пойтахтимизнинг Ўзбек давлат драма театрида Тошкент Тиббиёт академиясининг 1 октябрь – “Устоз ва мураббийлар куни”га бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирни академия ректори, профессор Л.Туйчиев очиб, йиғилганларни байрам муносабати билан қутлаб, бугунги кунда мустақил ўз тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, уни янги сифат босқичига кўтариш, соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар доимий ва узлуксиз жараён эканлиги ва бу бизнинг миллий соғлиқни сақлаш моделида ўз ифодасини топганлигини таъкидлаб, буларнинг барчаси эса ўз навбатида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари олдида таълим сифатини тубдан яхшилаш вазифасини қўйишини яна бир бор эслатди.

Сўнгра академия ҳузуридаги ҳарбий тиббиёт факультети бошлиғи полковник Ж.Собитов йиғилганларни байрам билан муборакбод этиб, академия ўқитувчилари шарафига битилган ташаккурномани ўқиб берди.

Байрам тадбирида академия кафедраларида турли йилларда ишлаб кетган, ҳозирда эса нафақада бўлган бир қатор профессор-ўқитувчилар, жумладан, профессорлар: С.Тошхўжаев, С.Қосимова, доцентлар: Ш.Қосимова, Ф.Ибрагимов, А.Юлдашев, Б.Ли, катта ўқитувчилар: Б.Угаров, Л.Тўлаганова, Ф.Мавлонов, И.Юнусов ва бошқалар эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

Мукофотланганлар номидан И.Юнусов сўзга чиқиб, эътироф учун миннатдорчилик билдириб, шифокор-устоз масъулияти ҳақида гапириб, шифокорларга бағишланган шеърини ўқиб берди.

Тадбир сўнгида пойтахтимизнинг Ўзбек давлат драма театри жамоаси томонидан ёзувчи Қ.Норқобил ва шоира Х.Рустамовалар қаламига мансуб “Атиргуллар қисмати” спектакли намойиш этилди.

Шоира ҚОДИРОВА

Адиб, йирик давлат арбоби Шароф Рашидов 1917 йилнинг 6 ноябрида Жиззах шаҳрида деҳқон оиласида таваллуд топган, Наримонов мактабида таҳсил олди. 1934 йилда Жиззахдаги педагогика техникумини, 1941 йилда Самарқанд давлат университетини тугатган.

ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Шундан сўнг муаллим ва мухбир сифатида ўз фаолиятини бошлади. 1938-1941 йилларда Самарқанд вилоятининг “Ленин йўли” газетасида ишлади. 1941-1942 йилларда Улуғ Ватан урушида қатнашди. Фронтдан қайтган, 1944-1947 йилларда Самарқанд вилоят партия ташкилотининг котиби бўлиб фаолият кўрсатади. 1947-1949 йилларда “Қизил Ўзбекистон” газетасига муҳаррирлик қилади. 1940-1950 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси расиси, 1950-1959 йилларда Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг расиси, 1959-1983 йилларда Ўзбекистон Компартиясининг Биринчи котиби бўлиб ишлади. Токи умрининг охиригача Республика партия ташкилотига раҳбарлик қилди. Шунингдек, Иттифоқ партия Марказий кўмитаси Сиёсий Бюроси аъзолигига номзод ҳам эди.

Унинг ижоди асосан 30-йилларнинг иккинчи ярмида бошланган бўлиб, дастлаб шеърятда қалам тебратган. Унинг биринчи шеърий тўплами “Самарқанд куйлари” номи билан босилган. Сўнг эса “Ўлкам”, “Орзуимиз” (1939) каби шеърлари чоп этилган. Улуғ Ватан уруши даврида фашизмга қарши ғалабага етакловчи шеърлар ёзиб, 1945 йилда “Қаҳрим” номи билан тўплам сифатида чоп этилди. У айна чоғда адабиётшунох ва мунаққид сифатида ҳам қалам тебратган эди. У жанг майдонларида: Агар жангдан оркамга қайтсам Лаънат ўқинг, яшашим бекор, – деган аҳд билан она-Ватан душманларига, фашизмга қарши қаҳр-ғазаб туйғуларини тўкиб сочди.

Шароф Рашидов мақоланавис — публицистикдан камолга етган адиб даражасига кўтарилди. Шунинг учун ҳам унинг бадиий ижоди намуналарида бу руҳ етакчи ўринни эгаллайди. Адибнинг катта наср намуналари бўлган “Ғолиблар”, “Бўрондан кучли”, “Қудратли тўлқин” романларида урушдан кейинги Ўзбекистон халқини, тикланиш йилларидаги меҳнат жасоратлари бадиий ифодасини топган.

Ижодкорнинг “Кашмир кўшиғи”, “Комде ва Мудан” каби лирик қиссалари аънавий Шарқ дostonчилиги услубида битилган бўлиб, ёшлик, баҳор, гўзал ҳаёт нашидаси мадҳига бағишлангандир. Адиб ҳаётининг сўнги йилларида яратган “Дил амри” қиссаси Ватан уруши йилларида Белорус заминида кечган жанг манзаралари, турли миллат жангчиларининг ғалаба йўлида олиб борган ҳаёт-мамонт кураши тасвирига бағишланган.

Шароф Рашидов Шўро ҳокимияти даврининг барча давлат арбоблари сингари вафотидан кейин қораланди. Ҳаёти ва ижодини ўрганиш таъқиқланди. Мустақиллик шарофати билан камтарин адиб ва давлат арбобининг номи қайта тикланди. У 1983 йилнинг кузида тўсатдан вафот этди. Камтарин инсон, буюк давлат арбоби, ажойиб ижодкор Шароф Рашидович номи биз ёшларнинг қалбимизда мангу сақланади.

Н.НУРИДДИНОВА,
доцент.
Д.ЖАББОРОВ,
клиник ординатор

